

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА
МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**

**МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

10 ИЮНЬ 2022 ЙИЛ



ТОШКЕНТ- 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАНК ВА МОЛИЯ
ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ”**

**халқаро илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами**

10-июн 2022-йил

**“ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОСТИ
БАНКОВСКОЙ И ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ В
УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ”**

**материалы международной научно-
практической конференции**

10 июня 2022 год

**“ISSUES OF ENSURING SUSTAINABILITY OF THE
BANKING AND FINANCIAL SYSTEMS IN THE
CONTEXT OF GLOBALIZATION”**

**materials of the international scientific and
practical conference**

10th of June 2022 year

Tashkent 2022

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БАНК ИШИ КАФЕДРАСИ

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')

Такризчилар: **и.ф.д., проф. Ш.З.Абдуллаева,**
 и.ф.н., доц. И.Х.Рахманов

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ғ-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш бўйича “Глобаллашув шароитида банк ва молия тизими барқарорлигини таъминлаш масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами–Т.: ТМИ., 2022. –854 б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир ҳайъати аъзолари: проф.С.Мехмонов, А.Исламкулов, проф.А.Омонов, доц.У.Абдуллаев, доц.Ф.Холмаматов, доц. И.Жўраев, PhD Х.Тиллаев, А.Рахматов, Б.Максудов.

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмий ходимлари, таянч докторант ва мустақил изланувчи ҳамда магистрларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир ҳайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 336.7(575.1)

КБК: 65.26(50')



Марказий банкнинг рақамли валютасини яратиш масаласи тўғрисидаги биринчи изланиш ҳақида Англия Марказий банки эълон қилди⁴⁴¹.

Ҳозирги даврда, Швециянинг Марказий банки ва Хитой Халқ банки рақамли валютани яратиш устида изланишлар олиб ормоқда.

2019 йилнинг декабрь ойида Швеция Марказий банки томонидан марказий банкнинг рақамли валютасини муомалага киритиш бўйича синов лойиҳаси учун ускуналар сотиб олиш бўйича давлат харидлари амалга оширилди⁴⁴².

2014 йилдан бошлаб, Хитой Халқ банки (ХХБ) томонидан рақамли валютани жорий этишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017 йилда ХХБ томонидан Рақамли валюталар илмий-тадқиқот институти ташкил этилди⁴⁴³.

Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан марказий банкнинг рақамли валютасига хос бўлган қуйидаги афзалликлар эътироф этилган:

- қулайлиги (рақамли валюталардан ҳисобрақам очмасдан туриб фойдаланиш мумкин);

- транзакцион чиқимларнинг камлиги (рақамли валюталар валюталарни конвертация қилиш, банк ҳисобрақамларини юритиш, “” тизимига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради);

- хавфсизлиги (рақамли валюталар муомаласи, хусусий шахслар яратадиган криптовалюталардан фарқли равишда, марказий банклар томонидан ташкил қилинади ва маълум қондалар асосида тартибга солинади);

- рақамли технологияларни ривожлантиришга кучли туртки бериши (рақамли валюталар янги пул шакллари пайдо бўлишга замин яратгани ҳолда, рақамли технологиялардан кенг кўламда фойдаланишга туртки беради).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари фаолиятига замонавий рақамли технологияларни кенг кўламда жорий этиш масаласини муваффақиятли ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири бўлиб, банк соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади. Фикримизча, “Банк иши” мутахассислиги бўйича бакалаврият таълим йўналишида талабалар учун махсус фан – “Замонавий банк технологиялари” фани ўқитилиши лозим.

БАНКЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Абдуназаров Ш.А.-ТМИ, тадқиқотчи

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлаш билан боғлиқ жараёнлар, тартиб

⁴⁴¹ Central banks beat Bitcoin at own game with rival supercurrency//URL:<http://www.telegraph.co.uk/business/2016/03/13/central-banks-beat-bitcoin-at-own-game-with-rival-supercurrency>.

⁴⁴² Riksbank develops an e-krona in a test environment//URL:<https://www.riksbank.se/en-gb/press-and-published/notices-and-press-releases/notices/2019/riksbank-develops-an-e-krona-in-a-test-environment>.

⁴⁴³ What is China's digital currency plan? // URL: <https://www.ft.com/content/e3f9c3c2-0aaf-11eabb52-34c8d9dc6d84>.



ва тамоийиллар деярли бир-биридан жуда катта фарқ қилмайди. Шу боис ҳам, балки кейинги йилларда улар ҳам жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича хориж тажрибаларини жуда кенг қўлламоқда. Хусусан, овердрафт кредити, он-лайн кредит, факторинг ва контокоррент ҳисобварақлари бўйича операциялар шулар жумласидандир.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнининг хориж тажрибаси ўрганилганда энг асосий эътибор уларнинг кредитни қайтаришга бўлган қобилиятига эътибор қаратилиши маълум бўлди. Жисмоний шахсларни кредитлашда уларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашнинг жуда кенг қўлланиладиган учта асосий усули мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Скоринг баҳолаш;

Кредит тарихини ўрганиш;

Тўловга қобилиятини молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолаш⁴⁴⁴.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий тижорат банклари амалиётида ҳам жисмоний шахсларни кредитлашда скоринг баҳолаш усулидан жуда кенг фойдаланади, бироқ скоринг баҳолашнинг иқтисодий моҳияти кўп жиҳатдан етарли даражада очиқ берилмаган.

Жисмоний шахсларни кредитлашда катта тажриба, суммаси жиҳатидан юқори ҳисобланган АҚШ тижорат банклари мисолида таҳлилни амалга оширамиз. Эътиборли жиҳати шунданки, АҚШ конгресси томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича “Кредитлашда тенглик имкониятлари ҳақида” қонуни қабул қилинган бўлиб, қонунга кўра тижорат банклари кредит олувчиларни бойлиги, миллати, ёши, оилавий ҳолати, диний қарашлари, ирқи, ранги, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар агар банкнинг кредитлаш бўйича талабларига жавоб берадиган бўлса, кредит олишлари мумкинлигини қонуний кафолатлайди.

АҚШда банклардан кредит олувчи жисмоний шахслар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган анкетани тўлдириши талаб этилади.

1. Мижознинг шахсий маълумотлари (яшаш жойи, оилавий ҳолати, иш жойи ва б.)

2. Маълумоти

3. Техник тавсифлари

4. Жисмоний ҳолати

5. Мулки ва молиявий ҳолати

Хорижа амалиётида, хусусан АҚШда ҳам банклардан кредит олувчи шахсларни, шу жумладан жисмоний шахсларнинг ҳам кредитга бўлган лаёқатлигини аниқлаш бўйича жуда кўп усуллари мавжуд. Албатта, бу борада юқорида таъкидлаганимиздек ҳар бир мамлакат тижорат банки кредит беришда жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича ўзига жиҳатлари асосида ёндашади. АҚШ тижорат банклари берилаётган кредитларнинг

⁴⁴⁴ Основы банковского дела: учебное пособие / коллектив авторов. Под ред. О.И.Лаврушина - 4-е изд. перераб. и доп. -М.: КНОРУС. 2018. Стр. 213.



самарадорлигини аниқлашда “5C” усулидан жуда кенг фойдаланди. “5C” куйидаги мезонларни ўз ичига олади:

1. Мижознинг табиати (character);
2. Капитал (capital);
3. Имкониятлари (capacity);
4. Шароит (conditiones);
5. Таъминоти (collateral)⁴⁴⁵.

Германияда банклар жисмоний шахсларга кредит беришда уларнинг ойлик даромадлари ва ой давомида қиладиган харажатлари муҳим кўрсаткич сифатида олинади. Агар, банкка мурожаат қилган жисмоний шахснинг банкдан оладиган кредитни қоплаш ойлик даромадининг ойлик даромадининг 60%дан юқорини ташкил қиладиган бўлса, бу ижобий ҳолат сифатида қарор қабул қилишга асос бўлади. Германия банкларида кредит олишга мурожаат қилган жисмоний шахснинг кредитни тўлашга лаёқати “Кредит скоринг методи” асосида унинг иштирокида аниқланади. Албатта, бу бир жиҳатдан шу жараёнда жисмоний шахслар банкка саволлари ёки кўшимча молиявий имкониятлари ҳақида маълумотларни бериши мумкин бўлади. Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларнинг кредитга бўлган лаёқатлигини аниқлашда ушбу усул АКШ ва Франция банкларида ҳам жуда кенг қўлланилади⁴⁴⁶.

Германияда истеъмол кредитини олувчи бўлган жисмоний шахслар бевосита банкка ташриф буюрши ёки интернетда банк ёки нобанк молиявий ташкилотларининг платформалари орқали расмийлаштириши мумкин. Албатта, кредит олишга мурожаат қилувчиларга қўйилган муҳим талаблардан бири шу мамлакатнинг резеденти бўлиши ва доимий яшаш учун учун рўйхатдан ўтган манзили ҳисобланади. Хорижий мамлакатларнинг фуқарорлари ҳам мамлакатга кириш ҳамда доимий муддатга яшаши бўйича асосли ва қонуний ҳужжатлари асосида кредит олишлари мумкин.

Германияда кредит олувчи жисмоний шахснинг банкларда ҳисоб-китоб рақами бўлиши зарур ҳисобланади, чунки банк ёки нобанк ташкилоти томонидан берилган кредитнинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган фонизлар унинг шу ҳисоб рақамидан шартномада кўрсатилган муддатлар ва тартибда ҳар ойда қирқиб олади. Германия банклари кредит олувчининг аризаси бўйича асосан ижобий қарор қабул қилади, бунинг учун куйидаги ҳужжатлар бўлиши зарур ҳисобланади:

- иш жойидан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- бошқа даромад манбаларини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари;
- солиқ инспекциясидан маълумотнома.

Жисмоний шахснинг кредит олишда банкни ижобий қарор қилишга ундайдиган асосий ҳужжатлари унинг молиявий ҳолати барқарорлиги, юқори

⁴⁴⁵ Э.Рид, Р.Коттер, Э.Гилл, Р.Смит. Коммерческие банки Перевод с английского А.А.Кандуарова, Т.Д.Масюковой. М.З.Штернграц. Под редакцией В.М.Усоскина. 2-е издание. М.: “Космополис”, 1991.

⁴⁴⁶ Основы банковского дела: учебное пособие / коллектив авторов. Под ред. О.ИИ.Лаврушина. -4-е изд. перераб. и доп. -М.: КНОРУС. 2018. Банковское дело: Учебник для вузов. 2-е издание. /Под ред. Г.Белоглазовой, Л.Кроливецкой. -СПб: Питер, 2008. Стр.



миқдорда иш ҳақи олиши ва бошқа мавжуд бўлган молиявий маънбалари ҳақида маълумотни тақдим этиш ҳисобланади. Германияда ёмон кредит тарихига эга бўлган жисмоний шахсларнинг кредит олиши жуда мураккаб бўлиб, агар банк кредит бериш бўйича қарор қилганда ҳам ушбу кредитнинг фоизи юқори бўлади. Кўпчилик ҳолатларда банклар умуман кредит бермайди, бундай ҳолатда жисмоний шахслар ўзининг кредит тарихини яхшиланишни кутади, ёки нобанк хусусий ташкилотлардан ёки хорижий банклардан кредит олишга ҳаракат қилади.

Буюк Британияда банклар жисмоний шахсларга жуда кенг турдаги кредитларни таклиф этади, кредитлар ҳисобидан кўчмас мулклар ёки сотиб олиниши кўзда тутилган товарларга чегаралар қўйилмайди. Ипотека кредити беришда асосий шартлардан бири жисмоний шахс резидент шахс бўлиши зарур бўлади, кредит суммасининг юқори даражаси қарздорнинг ойлик иш ҳақи эътиборга олинади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, Англия банклари кредит олувчи жисмоний шахслар қуйидаги дастлабки назоратдан ўтишлари лозим:

- қарздорнинг даромади 30 минг фунт стерлингдан юқори бўлиши ёки банкда очилган ҳисобварағида 2,0 млн фунт стерлингдан кам бўлмаган маблағи бўлиши талаб этилади;

- яхши кредит тарихи, агар олдин кредит олган бўлса;

- доимий иш жойига эга бўлиши;

Дастлабки назорат жараёнида банкнинг кредит сиёсати ва мамлакатда ижтимоий-иқтисодий дастурларда кўзда тутилган сиёсатдан келиб чиқиб бошқа қўшимча талабларни ҳам жорий этиши мумкин.

Жисмоний шахслар Англия банкларидан ипотека кредит олишда қуйидаги умумий шартлар амал қилади:

- кредитнинг 25 йилгача;

- берилган кредитлар бўйича 2-3 йилда қайта молиялаш таклифи;

- иккиламчи кўчмас мулк бозоридан олинаётган уй жойларнинг умумий қийматини 75 фоизгача, янги уй жойнинг 70 фоизгача, бошқа кўчмас мулкларни сотиб олиш учун эса 60 фоизгача ипотека кредити берилади;

- кредитлар бўйича қаятий ва сузиб юривчи шакллари ўрнатилади. Биринчи шакли бўйича дастлаб шартнома тузилганда 4-6 фоиз, иккинчиси бўйича эса кейинчалик кредит бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда Англия банки ҳисоб ставкаси асосида йил мобайнида бир ёки бир неча марта ўзгартирилиши мумкин;

- ипотека бўйича банк комиссияси кредитнинг умумий суммасидан 1,5 фоизни ташкил қилади.

Хорижий банкларда жисмоний шахслар кредит бериш амалиётини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш жуда оддий, содда ва уларга қулай тартибда амалга оширилади, айрим ҳолларда банк ва жисмоний шахслар ўртасида оғзаки савол-жавоблар орқали



ҳам аниқланади. Масалан, Wells Fargo банкида миџознинг кредитга лаёқатлилигини қуйидагича аниқлайди⁴⁴⁷:

1. Character (миџознинг обрўси). Қандай миџоз банкдан қарздор бўлмоқчи? Wellc Фаргонинг бу хусусиятни баҳоловчи энг асосий меъзони миџознинг кредит тарихидир. Банк ўтмишда миџоз олган қарзларни қайтариш даражасини таҳлил қилади. Агар миџоз кредит тарихи йўқ бўлса, миџознинг шахсий хусусиятлари, бизнес тажрибаси ва бизнес тарихи текширилиши мумкин.

2. Credit (кредит). WellsFargокредит ҳисоботлари агентликларидан миџознинг ҳар қандай олган қарзларини қайтариш тарихини ўрганади. Ҳамда бугунги кундаги миџознинг қарзлари таркиби ва ҳажмини ўрганиб чиқади.

3. CashFlow(Пул оқими) WellsFargo аслида пул оқими бўйича кредит берувчи банк ҳисобланади. Бунинг маъноси шундаки, банк миџозга кредит беришининг энг асосий манбаси миџознинг пул оқимидир, банк миџознинг пул оқимини қуйидагича. Компаниянинг пул оқими бу- соф фойда + нақд пулсиз харажатлар- ескириш ва амортизация. Асосий қоида шундан иборатки, олинган ҳар 1 \$ кредит, миџоз бизнесида 1.5\$ пул оқимини келтириши керак.

4. Capacity (тўловга лаёқатлилиқ). WellsFargобунда агар миџоз бизнеси тўсатдан орқага кетишни бошласа, миџоз кредитни қуйидагича қайтаришини ўрганади. Миџоз ўз активларини қанчалик тез пул маблағларига айлантира олади, яъни сота олади? Бунда миџознинг кўчмас мулклар, депозит сертификатлари, аксиялари ва бошқа тез ликвидликка эга бўлган жамғармалари муҳим аҳамият касб этади.

5. Collateral. (таъминланганлик) WellsFargo таъминланган ва таъминланмаган кредитлар тақдим этади. Таъминланган кредитлар учун депозит сертификатлари ёки аксиялар, кўчмас мулклар, дебиторлик қарзлари каби активлар қабул қилиниши мумкин.

Шунингдек, миџоз кредит олиш учун аризада қуйидаги саволларга ҳам жавоб бера олиши керак:

- Сиз бизнесингизда асосий қарорларни қабул қилувчи шахсмисиз?
- Неча йилдан буён бизнесда фаолият юритмоқдасиз? (камида 3 йил)
- Охирги 10 йилликда банкротлик учун ариза топширганмисиз?
- Ўз қарзларингизни, бизнесда ва шахсий ҳаётда, ўз вақтида тўлайсизми?
- Сизнинг бизнесингиз қонунийми?
- Кредит учун сизда 5 ёки ундан ортиқ даромад манбаси борми?
- Охирги икки йилда бизнесингиз фойда билан чиқмоқдами?
- Сизнинг бизнесингизда олган ҳар бир доллар кредитингиз камида 1.5 доллар фойда келтирадими?

Банк ходимлари ушбу саволларга жавоб олгандан сўнг миџозга кредит тақдим қилиш керак ёки йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

⁴⁴⁷ www.wellsfargo.com



Хулоса қилиб айтганда, хориж банклари амалиётида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти жуда катта тажрибага эга бўлиб, бу жараён неча йиллар давомида такомиллашиб ва соддалаштирилиб асосий эътибор банкнинг кредитгажмини ошириш орқали унинг бозордаги маъқие ва фойдасини оширишга қаратилгандир.

TIJORAT BANKLARI TOMONIDAN JISMONIY SHAXSLARGA KO'RSATILAYOTGAN XIZMATLARNI TAKOMILASHTIRISH

*Yeodju texnika instituti
Turizm ta'lim yo'nalishi rahbari o'rinbosari
Ibroximov Ilxomjon Shavkatjon o'g'li
Marg'ilon bank-moliya texnikumi
Katta o'qituvchisi
Atabayeva Risolatxon Zaidjanovna*

Hozirgi vaqtda respublikamiz tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslarga ko'rsatilayotgan bank xizmatlari hajmi yil sayin ortib bormoqda, jumladan, jismoniy shaxslarni kreditlash, ulardan depozitlar qabul qilish, plastik kartochkalar bilan bog'liq xizmatlar va xalqaro pul o'tkazmalari kabi boshqa ko'plab chakana bank xizmatlariga talab kundan-kunga ortib bormoqda

Prezidentning "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 9 yanvardagi PF-5296 sonli O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni imzolanganach, bank tizimiga chakana bank xizmatlariga ixtisoslashgan "raqamli" banklar va bank bo'linmalarini tashkil etish hamda innovatsion bank texnologiyalaridan foydalangan holda mijozlarga xizmat ko'rsatish sifatini yanada kengaytirish vazifasi yuklatilgan.⁴⁴⁸

Bugungi kunda jismoniy shaxslarga ko'rsatilayotgan bank xizmatlari orasida eng muhimlaridan va rijovlanayotganlaridan biri bu ularni kreditlash xisoblanadi. Mustaqil davlatlar hamdo'stligiga a'zo bo'lgan mamlakatlar tijorat banklarida jismoniy shaxslarni kreditlash bilan bog'liq jarayonlar, tartib va tamoyillar deyarli bir-biridan juda katta farq qilmaydi. Shu bois ham, balki keyingi yillarda ular ham jismoniy shaxslarni kreditlash bo'yicha xorij tajribalarini juda keng qo'llamoqda. Xususan, overdraft krediti, on-layn kredit, faktoring va kontokorrent hisobvaraqlari bo'yicha operatsiyalar shular jumlasidandir.

Tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslarni kreditlash jarayonining xorij tajribasi o'rganilganda eng asosiy e'tibor ularning kreditni qaytarishga bo'lgan qobiliyatiga e'tibor qaratilishi ma'lum bo'ldi. Jismoniy shaxslarni kreditlashda ularning kreditga layoqatligini aniqlashning juda keng qo'llaniladigan uchta asosiy usuli mavjud bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

⁴⁴⁸ <https://depozit.uz/news/ozbekistondagi-raqamli-banklar-va-ularning-istiqbollari>



	ХУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
<i>Абдуллаев У. Каримова Г.</i>	МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	597
<i>Абдуназаров Ш.А.</i>	КРЕДИТЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	599
<i>Ibroximov I.Sh. Atabayeva R.Z.</i>	TIJORAT BANKLARI TOMONIDAN JISMONIY SHAXSLARGA KO'RSATILAYOTGAN XIZMATLARNI TAKOMILASHTIRISH	604
<i>Муродова Д.Ч.</i>	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРС БАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДЕПОЗИТЛАРНИНГ ЎРНИ	607
<i>Абдикаримова Д.Р.</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	610
<i>Бердиева У.А.</i>	АҚЛИ СУҒУРТА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ	614
<i>Бабаева Г.Я.</i>	НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ УЧАСТНИКОВ РАСЧЕТОВ	616
<i>Абдуллаева Ш. Усканов Е.</i>	ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	618
<i>Zaxirov M.</i>	ANOLINING TADBIRKORLIK TASHABBUSLARINI QO'LLAB- QUVVATLASHDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI QO'LLAB-QUVVATLASH DAVLAT JAMG'ARMASI FAOLIYATI	620
<i>Shadieva D.X. Yoqubboyev I.G'.</i>	BANKLARDA XIZMAT KO'RSATISH	623
<i>Ernazarov N.S. Xolqo'ziyev I.I</i>	IQTISODIYOTNING REAL SEKTORI KORXONALARINI MODERNIZATSIYALASHNI MOLIYALASHTIRISH MASALALARI	626
<i>Норбоев Т. Олимова К. Неверова С.</i>	ФУНДАМЕНТ ПОСТРОЕНИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА. ВЫСОКАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГРАМОТНОСТЬ - КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КУЛЬТУРЫ В БАНКОВСКОМ СЕКТОРЕ	628
<i>Мирзаев М.</i>	БАНК ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ	631